

ХОРИЖИЙ (ИНГЛИЗ) ТИЛИНИ ЎҚИТИШ ЁКИ ЎРГАНИШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ ВА САМАРАЛИ МЕТОДЛАР

Amanullaeva Kamola Muminovna

ISFT instituti Samarqand filiali PhD, dotsenti

E-mail: miskamolka@yahoo.com

Аннотация: Ушбу мақолада чет тилларини ўқитиш/ўрганиш методикаси, ўқитиш усуллари тарихи ва замонавий ўқитиш кўникмалари кўриб чиқилади. Бу кўникма ва методлар орқали ўрганувчиларга тилни тез ва мукамал ўрганиш мумкинлиги ва тил орқали натижаларга эришиш мумкинлиги ҳақида ёритилиб берилган.

Калит сўзлар: чет тиллари, методология, ижодий муаммоларни ҳал қилиш, илиқлик, машқлар, таъсир.

Маълумки бугунги асрнинг глобаллашган мавзуларидан бири бу тил билиш ва тил ўрганишдир. Нафақат чет тилларини билиш, балки ушбу жабҳа тилларни замонавий методлар орқали тез ва осон ўрганиш ёки ўргатишни ҳам ўз ичига олади. Таъкидлаш керакки инглиз тилини биладиган ва сўзлаша оладиганлар сони дунё аҳолисининг бир ярим миллиард аҳолини ўз ичига олади. Аммо уларнинг ҳаммасининг ҳам она тилиси инглиз тили ҳисобланмайди.[5]

“EF Education First” халқаро таълим компанияси ҳисоботида кўра, инглиз тили она тили бўлмасада, унда равон сўзлаша олувчилар-Шимолий Европа халқидир.[5] Аҳолиси инглиз тилини биладиган юзта давлатлар киритилган рўйхатда Ўзбекистон 95-ўринда ҳисобланади.[5] Бу борада давлат юртбошимизнинг хиссалари каттадир. **“Хар бир битирувчи камида иккита чет тилини мукамал билиши шарт”** дейди Президентимиз Ш.М. Мирзиёев.[5]

Методиканинг предмети – чет тил предмети орқали таълим-тарбия бериш жараёни ва усуллари, чет тилини ўргатиш илми, муаллим ва ўқувчи фаолиятини ўрганиш методиканинг предмети саналади.[4]

Тил ўрганиш кишилиқ жамиятида бағоят муҳим соҳалардан бири ҳисобланади ва у мулоқот воситаси бўлмиш тилни табиий муҳитда яъни оилада, жамоатчилик орасида ёки уюшган ҳолда амалий эгаллаш мумкин. Тил ҳодисаларига оид билимлар эса назарий жиҳатдан ўргатилади.[2] Ҳозир улардан бир нечта турларини кўриб чиқамиз. Биринчиси **“BBW”** методи (инглиз тилида K-W-L маъноси know, want to know, learned) Ўзбекчаси **“Биламиз- билишни хоҳлаймиз – билиб олдик”**. Бу метод 1986- йили америкалик таълим олими Donna Ogle томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бу усул ўрганувчиларга инглиз тилидаги нафақат инглиз тили ва бошқа тиллардаги матнларни яхши тушунишлари учун қулай.[1] Бу усул, ўрганувчи матнни тез ва осон тушуниб олиши ҳамда янги сўзларни ҳам ўзлаштиришида фойда келтиради. Иккинчи метод бу **“Пантомима”** методи, бунда ўқувчилар янги сўзлар яъни *New words* ларни бир бирига имо-ишора орқали тушунтириб беришади.[1] Бу усул асосан энди ўрганувчилар учун мос келиб зерикиб қолмасликни олдини олади. Бугунги кунда инглиз тили ўқитувчилари АҚШ, Англия педагоглари тажрибасига таянган ҳолда қуйидаги инновацион методлардан ҳам фойдаланиб келишмоқда:

- **“Муаммоли вазият ечими”** (*Creative Problem Solving*) бу усулни қўллаш учун матн танланади ва шу матннинг бошланиши ўқиб берилади. Қандай якун топиши ўқувчилар (талабалар) ҳукмига ҳавола қилинади;

- **“Қувноқ топишмоқлар”** (*Merry Riddles*) ўқувчиларга топишмоқлар ўргатиш методи бўлиб, инглиз тилини ўргатишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Улар ўзларига нотаниш бўлган сўзларни ўрганадилар ва ўйлаб топишмоқ жавобини топадилар;

- **“Тезкор жавоб”** (*Quick answers*) бу метод ўтилган дарс самарадорлигини оширишда ёрдам беради;

- **“Чигил ёзди”** (*Warm-up exercises*) бу метод ўқувчиларни дарсга қизиқтириш учун синфда ҳар хил ўйинлардан фойдаланиш методи ҳисобланиб, кўтарин кайфиятни яратади. [3]

Албатта ушбу юқоридаги методлар ҳам ўрганувчининг айнан мана шу тилнинг эгалари каби фикрлаш, танқидий фикрлаш ҳамда фантазияларини бойитиши учун катта аҳамият касб этади. Ҳозир технологиялар асри бўлиб, бу албатта чет тилини ўрганишда ҳам технологиянинг бевосита кучи мавжуд. Бироқ, бу тизимда ҳам инглиз тилини масофадан ўрганувчилар учун яхши ҳамда ёмон томонлари мавжуд. Қулай усуллари бу албатта кам ҳаражат қилган ҳолда қаерда бўлишингиздан қатъий назар *Listening* ҳамда *Reading skillar*ни бемалол ўрганиб олишингиз мумкин, аммо бошқа бир нуқтаи назар билан қарайдиган бўлсак, *Speaking* ва *Writing*ни албатта олий маълумотли ўқитувчи ёрдамисиз мукамал эгаллай оламайсиз. Юқорида айтиб ўтганимиз каби *Speaking* бу мулоқот жараёни бўлиб, нутқ вазивасини бажаради, таъкидлаб ўтганимиздек буларнинг барчасини яхши биладиган мутахассис, юқорида айтиб ўтган метод ҳамда усулларни қўллаб, ўрганувчига етказиб берадиган бўлсагина ўрганувчи яхши натижаларни қўлга киритади.

Хулоса тариқасида айтадиган бўлсак, чет тилларини юртимизда жадаллик билан ўсиб бораётганини инобатга олиб қарасак, яқин келажакда албатта барча инсонлар хорижий тил ўрганувчилари ва билувчиларига айланиши табиий. Чет тилининг айниқса ҳозирги даврда, инглиз, корей, япон, хитой, турк ва бошқа тилларнинг фойдаси катта. Бунга мисол қиладиган бўлсак, чет тилини мукамал эгаллагандан кейин ҳамда сертификатни ҳам қўлга киритгандан кейин, таълим, бизнес, IT, технология ва қолаверса тиббиётнинг барча жабҳалари сизни кутиб туради. Сертификатга эга бўлмаганда ҳам хорижий тилларни ўрганиш бизга *massive* яъни улкан маълумотлар ва контентлар базасини қўлга киритишимизда ёрдам беради. Аббатта булар барчаси эмас, фойдали тарафлари жуда кўп ҳисобланади. Фақатгина бунинг учун ўрганувчилардан мукамал ўрганиш ва ўргатувчи устозлардан сабр ва матонат, ҳамда малакаларига таяниб ишлашлари керак бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Қурбонова.Н., Ўктамova.М. Чет тилини (инглиз тили) ўқитишда замонавий методлар. *Zamonauiy dunyoda innovatsion tadqiqotlar*. С.219-220. www.in-academy.uz
2. Ғуломова Б.М. Чет тилини ўқитишда замонавий методлар. *Innovative academy*. С.113-147.
3. Муфтуллаева Н. Чет тилини ўқитишда интерфаол методлар. *Models and methods for increasing the efficiency of innovative Rive*. Vol. 2 No. 19 (2023) Germany. С.145-147.
4. Санакулов С., Жўрабoев Б. Чет тил ўқитиш методикасида замонавий методлар. *Academic research in educational sciences*. Vol.2. Issue 4, 2021. С.523-534.
5. Кун. uz.вебсайти. <https://kun.uz/news/2019/12/15/ingliz-tilini-bilish-reytingida>
6. Газета.uz веб сайти. <https://www.gazeta.uz/oz/2021/05/06/videoselector/>

7. Amanullaeva Kamola Muminovna. National concepts and their literary representation in Haruki Murakami's novel "IQ84" Wschodnioeuropejskie Czasopismo Naukowe (East European Scientific Journal) № 9(25), 2017. <https://sciencescholar.us/journal/index.php/ijhs/article/view/11004>
8. Амануллаева Камола Муминовна. Художественный концепт и специфические характеристики его воссоздания, Хорижий филология №4, Самарқанд. СамДЧТИ. 2020, Б.53-57. https://inlibrary.uz/index.php/foreign_philology/article/view/1579
9. Amanullayeva Kamola Muminovna, Universal concept as structural farmotion of the component of Haruki Murakami's novel "Kafka on the Shore" Jour of Adv research in Dynamical & Contol Systems, Vol. 12, Issue- 2020, Scopuc, Б.1117-1121. <https://sciencescholar.us/journal/index.php/ijhs/article/view/11004>
10. Amanullayeva Kamola Muminovna, The literary concept as of the creative process in the literary comprehension, ЎзМУ ХАБАРЛАРИ. Тошкент-2021. Б.179-181.
11. Амануллаева Камола Муминовна. О художественном концепте и в целом, Россия и Узбекистан Международные образовательные научные и социально-культурные технологии: векторы развития Челябинск-Ташкент-Бухара-Самарканд 2020. Б.271-272.
12. Амануллаева Камола Муминовна. О воссоздании художественного концепта в переводе между разносистемных языков. Хорижий филология, адабиётшунослик ва таржимашунослик масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси. Жиззах. 2021, Б.9-12.
13. Амануллаева Камола Муминовна. Теоретическая интерпретация понятия концептосферы. Самарқанд. №4, СамДЧТИ. 2021, Б.120-126.
14. Амануллаева Камола Муминовна. Матн тузилишида бадий концепт. Буюк ипак йўлида умуминсоний ва миллий қадриятлар: тил, таълим ва маданият. Халқаро илмий-амалий конференция. Самарқанд. 2022, Б. 499-501.
15. Амануллаева Камола Муминовна. XX-XXI асрларда таржима. Хорижий тил таълими лингводидактикаси ва инновацион асослари. Халқаро илмий-амалий конференция. Самарқанд. 2022, 212-214 б.
16. Amanullayeva K. M. Badiiy asar konseptosferasi va asosiy konseptlarning tarjimada qayta yaratilishi. Samarqand-2020.
17. Amanullayeva Kamola "Tokio afsonalari", Haruki Murakami hikoyalarining tarjimalari, 2017, 104b.
18. Amanullayeva Kamola Muminovna. The role of translation in science. Texas Journal of Philology, Culture and History. 2023, 60-62 p.
19. Amanullayeva Kamola Muminovna. The concept of translation and characteristics of fetures. Information Horizons: American Journal of Library and Information Science. 2024, 63-66 p.
20. Nasrullayeva Tozagul Suxrobovna, Amanullayeva Kamola Muminovna. Peculiarities of translation of Technical Terms, Concepts and Rendering articles in technical translation. American journal of social and humanitarian research, 2023. –С.29-33.
21. Kubayeva Nafisa, Amanullayeva Kamola. The problem of teaching students lexical and phraseological features in translation studies of phrasel verbs in English and Uzbek languages. Eurasian journal of academic research. 39-42 p. <https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/37844>
22. О.А.Алижонова, К.М.Амануллаева, М.Б.Аскарова. Исползования термин концепт в лингвокультурологии. Вестник магистратуры. 2024.№12-2 (159) С.76-78